

11-01/55-son

24 iyun 2026 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Навоий вилояти ҳокими



Н.Т.Турсунов

Вилоят ҳокимлигининг аппарат йиғилиши
БАЁНИ

2026 йил 22 июнь

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи:

Н. Турсунов - вилоят ҳокими

Қатнашдилар:

Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш (*edo.ijro.uz.да назоратдаги ҳужжатлар, Ҳисоб палатасини ўрганиш натижалари, олдинги аппарат йиғилишида берилган топшириқлар ижроси*);

2. Аҳоли бандлигини таъминлаш, олий таълим битирувчилари бандлигини таъминлаш, “Иш беринг” каналига мурожаатлар бўйича берилган топшириқлар ижроси тўғрисида;

3. Президент Администрацияси раҳбарининг Олий таълим ташкилотлари битирувчилари бандлигини таъминлаш тўғрисидаги (11.06.2026 й, 02-РА 1/1-3101-сон) топшириғи ижросини таъминлаш тўғрисида;

4. Камбағаллик реестрида турган фуқароларга тиббий хизматлар кўрсатиш (соғломлаштириш, даволаш, операция қилиш) борасида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар тўғрисида;

5. Қишлоқ хўжалиги масалалари (*ғўза агротехникаси, галла йиғим-теримининг бориши, такрорий экинлар экилиши*);

6. Жорий йилнинг 1-ярим йиллигида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларини бажарилиши бўйича кутилаётган натижалар тўғрисида;

7. Қўшимча масалалар (Мустақиллик байрами арафасида очиладиган объектлар).

(Н.Турсунов, Р.Сулаймонов, А.Ниёзов, Э.Ғаффоров, Ж.Ходжаев, М.Мамадиярова, С.Назаров, Л.Хайруллаев, Қ.Ражабов, Н.Сафоев, Ж.Қаландаров, Б.Мардонов, М.Калонов, Д.Эргашев, Ш.Болтаев, Р.Рўзиев, Б.Бобомуродов, А.Рашидов, А.Файзиев, У.Адизов, Н.Турсунов)

Йиғилишда дастлаб, ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилиши муҳокама қилинди ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари ҳамда таркибий бўлинма раҳбарларига “edo.ijro.uz” платформаси орқали ижроси назоратга олинган Давлат Раҳбарининг ҳужжатларидаги июнь ойида бажарилиши белгиланган топшириқлари ижросини тўлиқ таъминлаб, ижро назоратидан чиқариш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси (Шамшиев)га вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (Жумаев) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 апрелдаги ПФ-68-сон Фармони 3-илова 5-бандига асосан, Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерларига хизмат кўрсатиш дирекцияси”ни хизмат автомашинаси билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ходжаев)га вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (Бобоқулов) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 майдаги ПҚ-183-сон қарори 5-илова 4-бандига асосан, болалар учун мўлжалланган контентлар яратиш маркази билан 2026 йил учун шартнома тузиб, белгиланган миқдордаги пул маблағларини марказга кўчириб бериш бўйича таклифлар киритиш топшириғи берилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари тегишли масъулларни жалб қилган ҳолда, июнь ойида назоратда турган 30 та топшириқларни жорий йилнинг 25 санасидан кечиктирмай бажариб, назоратдан ечиш чора-тадбирларини кўриши, акс ҳолда тегишли масъулларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилиши бўйича огоҳлантирилди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Ишчи гуруҳи томонидан жорий йилнинг 4-19-июн кунлари Навоий вилоятида ўтказилган ўрганиш натижалари тўғрисидаги маълумоти ўқиб эшиттирилди.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида, вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи (Бобомуродов)га ҳамда Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов)га ўрганиш натижалари бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, ижрога қаратиши ҳамда қайд этилган камчиликлар тўлиқ бартараф этилмагунга қадар назоратдан чиқарилмаслиги таъкидланди.

Шу билан бирга, йиғилишда вилоят Халқ қабулхонгасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 1 апрелдаги ПФ–51-сонли Фармони ижроси бўйича танқидий ўрганиш маълумоти муҳокама қилиниб, масъулларга қайд этилган камчиликларни бартараф этиши бўйича топшириқлар берилди.

Жумладан, вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов)га вилоят Халқ қабулхонаси (Абдуллаев) билан биргаликда режа-график асосида ўтказилиши белгиланган сайёр ва шахсий қабулларни ўтказмаган ҳоким ва ўринбосарлар бўйича ўрганиш ўтказиб, натижадорлиги юзасидан маълумот киритиши белгиланди.

Вилоят Халқ қабулхонаси (Абдуллаев)га Кармана тумани ҳокимлиги масъуллари билан биргаликда қайта ўрганиш ўтказилган мурожаатлар ижроси бўйича маълумотларни тизимга киритилишини таъминлаши ҳамда натижаси бўйича вилоят ҳокимига ёзма ҳисобот киритиши алоҳида қайд этилди ҳамда ушбу амалиёт натижадорлигидан келиб чиққан ҳолда қолган ҳудудларга ҳам жорий этиши белгилаб қўйилди.

Йиғилиш кун тартибидида, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилиниб, масъуллар тегишли кўрсатмалар берилди.

Жумладан, вилоят ҳокимининг ўринбосарларига, туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда маҳаллаларга бириктирилган масъулларга бир ҳафта муддатда камбағалликка қайта тушиб қолган оилаларнинг муаммоларини ўрганиб чиқиши ҳамда уларни бартараф этиши бўйича аниқ ва манзилли чора-тадбирларни амалга оширишлари алоҳида қайд этилди.

Туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда бириктирилган масъулларга жорий йилда вилоят бўйича 20 та маҳалладаги (*Хатирчида 9 та, Қизилтепа ва Навбахорда 3 тадан, Кармана ва Конимехда 2 тадан, Нуротада 1 та*) камбағаллик реестридаги бирорта оила аъзолари доимий иш ўринларига жойлаштирилмаганлиги кўрсатиб ўтилди ҳамда ушбу туманлар ҳокимларига маҳаллаларга бириктирилган масъуллар билан биргаликда бир ҳафта муддатда юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш вазифалари топширилди.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев)га ижтимоий реестрдаги 3 та тоифа бўйича (“давлат

таъминотидаги оила”, “камбағал оила” ва “камбағаллик чегарасидаги оила”) оилаларга кўрсатилаётган ёрдамлар ҳамда камбағалликдан чиқарилиши бўйича ҳисобот жадвалларини юритиш топшириғи берилди.

Шунингдек, йиғилишда, камбағаллик реестрида турган фуқароларга тиббий хизматлар кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда Давлатимиз Раҳбарининг 2026 йил 21 майдаги “Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва меҳр-саховат тадбирларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-196-сонли қарорлари ижроси муҳокама қилиниб, тегишли масъулларга вазифа ва топшириқлар берилди.

Хусусан, ҳудудлардаги 312 та маҳаллалардан 18519 та оила (74 минг шахс) камбағаллик реестрига киритилганлиги, оилаларнинг 29,9 фоизиди (яъни ҳар 3-оилада) тиббий ёрдамга муҳтож аъзолар мавжуд бўлиб, уларнинг умумий сони 7846 нафарни (10,6 фоиз) ташкил этиши аниқланганлиги, бу кўрсаткич Хатирчи туманида вилоят оилаларининг 28 фоизини ва тиббий муҳтожларнинг 31,9 фоизини (2501 нафар), Қизилтепа туманида 20,9 фоизни, Кармана туманида 11,6 фоизни ташкил этаётганлиги такидлаб ўтилди.

Шунингдек, вилоятдаги оғир ва ногиронликни келтириб чиқарувчи касалликларга чалинган болаларни аниқлаб, уларда жарроҳлик амалиётини ўтказиш юзасидан босқичма-босқич даволанишини ташкил этиш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.

Шу билан бирга йиғилишда вилоят ҳокими ўринбосарлари туман (шаҳар) ҳокимларига мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириладиган объектларнинг манзилли рўйхатини шакллантириб, масъулларни бириктириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, туманларда ғаллани нес-нобуд қилмасдан қисқа муддатларда йиғиштириб олиш бўйича масъулларнинг олиб бораётган ишлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, туманларда ғўза парвариши билан боғлиқ агротехник тадбирлар мутлақо қониқарсиз аҳволга тушиб қолганлиги танқид қилиниб, барча даражадаги масъулларга вазифалар белгилаб берилди.

Туман ҳокимлари ҳар бир гектар майдон учун кунлик назорат ўрнатиш, қолоқ ва ўт босган майдонларни зудлик билан тиклаш, озиқлантириш ва культивация ишларини кечаю кундуз ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинларни экиш ишларини ташкил қилиш бўйича графигини ишлаб чиқиш ҳамда экишни ташкил қилиш бўйича вазифалар белгиланди.

Йиғилишда 2026 йил иккинчи чорак учун белгиланган саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ҳамда қурилиш ишлари бўйича прогноз параметрлари ижросини таъминлаш юзасидан камчиликларга тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, ҳар бир соҳа бўйича масъуллар белгиланиб, тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, вилоят ҳокимининг ўринбосарларига 2026 йил иккинчи чорак учун белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш бўйича кунлик назорат ўрнатиб, амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига маълумот киритиб бориш вазифалари қўйилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокими томонидан вилоят ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари билан ижро интизомини мустаҳкамлаш, Давлат Раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифа ва топшириқлар ижросини ўз муддатида ва сифатли тарзда бажариб бориш, 2026 йил 1-ярим йиллик учун белгиланган прогноз-топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш ҳамда зиммасига юклатилган вазифаларни самарали ташкил қилиш масалалари бўйича гаплашилиб, уларнинг шахсий масъулияти оширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, **шаҳар, туман ҳокимлари бир кун муддатда** ҳоким ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари ва масъуллар билан муҳокамалар ўтказиб, ходимларнинг шахсий масъулиятини ошириш, зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан, виждонан бажарилиши, ишларни самарали ташкил қилиниши бўйича зарурий чора-тадбирлар белгиласин.

2. Вилоят ҳокими ўринбосарлари, шаҳар, туман ҳокимлари жорий йилнинг 1-ярим йиллик якунларида вилоят ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари бўйича белгиланган прогноз-топшириқлар ижросини тўлиқ бажариш юзасидан **барча зарурий чора-тадбирларни** кўриб борсин.

Бунинг учун:

жорий ой якунига қадар амалга ошириладиган **кунлик ишлар режасини** белгилаб, ижросини танқидий-таҳлилий муҳокама қилиб борсин;

республика билан боғлиқ масалалар юзасидан вазирлик ва идоралар билан **ҳамкорликда ишларни ташкил қилиб**, муаммоларни ҳал қилиш чоралари кўрилсин;

орқада қолаётган соҳалар, 5 ойликда йўл қўйилган камчилик ва хатолардан **жиддий хулоса чиқариб**, муаммоларни ҳал қилиш чораларини кўрсин;

амалга ошириладиган ишлар бўйича **ҳар уч кунда** вилоят ҳокимига ахборот бериб борилсин.

3. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов):

бир кун муддатда “Ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича амалий қўлланма” ҳамда Президент маслаҳатчиси О.Ҳакимов ва Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоровларнинг 2026 йил 15 июндаги №03/1-1832 сонли қўшма хатларини барча шаҳар, туман ҳокимлари ва ижрочиларга етказилишини ташкил қилсин;

бир ҳафта муддатда ялпи ҳудудий маҳсулот ва саноатни барқарор ўсишини таъминлаш, янги иқтисодиётга йўл очиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва фазовий-ҳудудий режалаштириш борасидаги **янги тизим** доирасида амалга ошириладиган ишлар ва режалаштирилган вазифалар юзасидан **амалий семинарлар** ўтказиб, натижаси бўйича ахборот берсин.

4. Вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси (Шамшиев), вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (Жумаев) бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 24 апрелдаги ПФ-68-сон Фармони 3-илова 5-бандига асосан, Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерларига хизмат кўрсатиш дирекцияси”ни Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган хизмат автомашинаси билан таъминлаш чораларини кўрсин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ходжаев) вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (Бобоқулов) билан биргаликда икки кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 майдаги ПК-183-сон қарори 5-илова 4-бандига асосан, болалар учун мўлжалланган контентлар яратиш маркази билан 2026 йил учун шартнома тузиб, белгиланган миқдордаги пул маблағларини марказга кўчириб бериш бўйича таклифларни вилоят ҳокимига киритсин.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари тегишли масъулларни жалб қилган ҳолда, июнь ойида назоратда турган 30 та топшириқларни жорий йилнинг 25 санасидан кечиктирмай бажариб, назоратдан ечиш чора-тадбирларини кўрсин.

Муддати жорий ойда белгиланган топшириқларни кечиктирган масъулларга (вилоят ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари) нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилиши бўйича **огоҳлантирилсин.**

Назорати **Э.Авезов** ва **Ш.Намозовга.**

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳамда Адлия вазирлиги бошчилигидаги Ишчи гуруҳи томонидан жорий йилнинг 4-19-июн кунлари Навоий вилоятида ўрганиш ўтказилганлиги маълумот ижро учун қабул қилинсин.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи (**Бобомуродов**), Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) **икки кун муддатда** ўрганиш натижалари бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, ижрога қаратсин ҳамда қайд этилган камчиликлар тўлиқ бартараф этилмагунга қадар назоратдан чиқарилмаслигини таъминласин.

8. **Вилоят ҳокимлиги котибияти мудирлари** томонидан 2025 йил ва 2026 йилнинг январь-май ойларида келишиш учун вазирлик ва идоралар томонидан киритилган 68 фоиз норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари (*Молия-иқтисодиёт масалалари котибияти 73 %, Қурилиш масалалари котибияти 72,5 %, Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари котибияти 67,7 %, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари масалалари гуруҳи 71,5 %, Ижтимоий котибият 50 %*) кечиктириб кўриб чиқилганлиги учун **огоҳлантирилсин**.

Вилоят ҳокимлиги Юридик хизмати (**Казаков**) “project.gov.uz” платформаси орқали киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини кўриб чиқилиши ва келишилишини ўз назоратига олиб, таркибий бўлинма раҳбарлари томонидан белгиланган муддатидан кечикмаган ҳолда келишиш чораларини кўриб борсин.

9. Қуйидагилар уч кун муддатда:

вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Ғаффоров, Ҳикматов**) ер фонди тоифаси ўзгартирилиб, 51 та субъектга берилган 238 гектар ер майдонида қурилиш ишлари бошланмаганлиги бўйича;

вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**), вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Ҳамроев**), Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси (**Худайназаров**) ер фонди тоифаси ўзгартирилган ер майдонлари бўйича ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ундирилиши бўйича таҳлилини қилиб, вилоят ҳокимига ҳисобот берилишини таъминлансин.

10. Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (**Садинов**) **бир ҳафта муддатда** сувни тежаш ва ундан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш бўйича ўрнатилган “ақлли қурилмалар” фаолияти ва сув солиғидан вужудга келган қарздорликлар бўйича вилоят ҳокимига ҳисобот бериши ҳамда туман ҳокимлари **бугундан бошлаб**, мазкур қарздорликларни ундириш чораларини кўришлари белгилаб қўйилсин.

11. Жорий йилнинг январь-апрель ойларида доимий иш ўринларини яратиш режаси:

инвестиция йўналишида - Навоий (67 фоиз), Зарафшон (64 фоиз) шаҳарларида ҳамда Конимех (57 фоиз), Қизилтепа (85 фоиз), Нурота (88 фоиз) туманларида;

хизмат кўрсатиш ва сервис лойиҳаларини ишга туширишда – Зарафшон шаҳри (77 фоиз) ва Учқудуқ туманида (64 фоиз);

қишлоқ хўжалигида - Кармана (36 фоиз), Конимех (38 фоиз), Қизилтепа (42 фоиз) ва Навбаҳор (87 фоиз) туманларида тўлиқ бажарилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**) **жорий йилнинг 1 июль кuni** 1-ярим йиллик якуни бўйича доимий иш ўринлари яратилиши бўйича белгиланган вазифалар ижроси юзасидан вилоят ҳокимлигига ахборот киритсин.

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) 1-ярим йиллик якуни бўйича доимий иш ўринлари яратиш режасини бажармаган тегишли вилоят ҳокими ўринбосарлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарларига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланиши белгилаб қўйилсин.

12. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси (**Ражабов**) **бир кун муддатда** эҳтиёжманд оилалар даромадини ошириш бўйича 11 та маҳаллада бажарилмаган 2107 та хизматларни тегишли ҳудуд раҳбарларига ҳамда бириктирилган масъулларга етказилишини таъминласин.

13. Вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари (**Сайфиддинов, Хасанов**) **беш кун муддатда** Навоий шаҳар “Бинокор” маҳалласида яшовчи ижтимоий реестрга киритилган Ф.Норовага ажратилган кредит маблағи ҳисоботларда такрор кўрсатилганлиги бўйича ўрганиб, ахборот киритсин.

14. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) вилоят Халқ қабулхонаси (**Абдуллаев**) билан биргаликда **беш кун муддатда** режа-график асосида ўтказилиши белгиланган сайёр ва шахсий қабулларни ўтказмаган ҳоким ва ҳоким ўринбосарлари бўйича ўрганиш ўтказиб, натижадорлиги юзасидан маълумот киритсин.

15. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, туман (шаҳар) ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳар ҳафтада:

Халқ қабулхоналарида фуқароларни режа-график асосида қабул қилинишини;

тасдиқланган режа-жадваллар асосида ҳудудларда сайёр қабуллар ўтказилишини;

фуқаролардан тушган мурожаатларни Халқ қабулхонасининг ахборот тизими (cabinet.pm2)га ўз вақтида киритилишини;

мурожаатларнинг ижросини назорат қилиб борилишини таъминласин.

Вилоят ҳокимлиги Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (**Абдуазизов**), вилоят Халқ қабулхонаси (**Абдуллаев**) ушбу топшириқ ижроси бўйича қатъий назорат ўрнатиб, **ҳар ҳафта якуни билан** вилоят ҳокимига ахборот киритиб бориши белгилаб қўйилсин.

16. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Мамадиярова**) **бир ҳафта муддатда** тегишлилиги бўйича Хатирчи ва Навбаҳор тумани ҳокими ўринбосарлари томонидан сайёр қабулларни ўз вақтида ўтказилишини ҳамда қабулларда йўлланган мурожаатларни тизимга киритилишини ўз назоратига олсин.

17. Вилоят Халқ қабулхонаси (**Абдуллаев**) **бир кун муддатда** Кармана тумани ҳокимлиги масъуллари билан биргаликда қайта ўрганиш ўтказилган мурожаатлар ижроси бўйича маълумотларни тизимга киритилишини таъминласин ҳамда натижаси бўйича вилоят ҳокимига ёзма ҳисобот киритсин.

Ушбу амалиёт натижадорлигидан келиб чиққан ҳолда, қолган ҳудудларга ҳам жорий этилишини ташкиллаштирсин.

18. Вилоят ҳокимнинг 2026 йил 15 июнда ўтказилган йиғилиш баёнидаги (16.06.2026 й, 11-02/54-сон) топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида:

вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ғаффоров**) **бир ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 сентябрдаги 36-сонли йиғилиш баёнининг 10.6-бандига асосан, Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида 2 та йирик саноат лойиҳасини ишга туриш топшириғи ижросини якунига етказиб, ижро назоратидан ечилишини таъминласин;

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича ИК” ДУК вилоят ҳудудий бошқармаси (**Тўраев**) ҳамда “Миллий электр тармоқлари” Навоий филиали (**Раимов**) **беш кун муддатда** вилоят ҳокимининг жорий йил 16 май куни Хатирчи тумани “Амир Темур” маҳалласида ўтказган сайёр қабулида берган топшириқлари ижросини таъминлаб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот берсин;

вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**), “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМ (**Юлдашов**), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**) **бир кун муддатда** болалар Онкогематология бўлими биносини қуриш бўйича вилоят ҳокимига ахборот берсин.

Назорати **Э.Авезовга**.

19. Қуйидагиларга **бир ҳафта муддатда** камбағаллик реестрига қайта тушиб қолган оилаларни рўйхатдан чиқариш чораларини кўриб, натижаси бўйича ахборот киритиши белгилаб қўйилсин:

вилоят Стандартлаштириш бошқармаси (**Арипов**) Кармана тумани “Азамат” маҳалласида яшовчи камбағал оила Ю.Вафоева бўйича;

вилоят Маданият бошқармаси (**Ниёзов**) Навбаҳор тумани “Қизилтепа” маҳалласида яшовчи камбағал оила Х.Алибаева бўйича;

Қизилтепа тумани Солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари (Раимов) “Сўфиён” маҳалласида яшовчи камбағал оила Г.Эшқобилова бўйича.

20. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда маҳаллаларга бириктирилган масъуллар **бир ҳафта муддатда** камбағалликка қайта тушиб қолган оилаларнинг муаммоларини ўрганиб чиқсин ҳамда уларни бартараф этиш бўйича аниқ ва манзилли чоратадбирларни амалга оширсин.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **навбатдаги аппарат йиғилиши муҳокамасига** бириктирилган масъуллар томонидан камбағалликка қайта тушиб қолган оилалар кесимида аниқланган муаммолар ҳамда мазкур муаммоларни бартараф этилиши бўйича амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан таҳлилий маълумот киритсин.

21. Туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда бириктирилган масъулларга жорий йилда вилоят бўйича 20 та маҳалладаги (*Хатирчида 9 та, Қизилтепа ва Навбаҳорда 3 тадан, Кармана ва Конимехда 2 тадан, Нуротада 1 та*) камбағаллик реестридаги бирорта оила аъзолари доимий иш ўринларига жойлаштирилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Хатирчи (**Адизов**), Қизилтепа (**Бобомуродов**), Навбаҳор (**Рашидов**), Кармана (**Болтаев**), Конимех (**Рўзиев**), Нурота (**Файзиев**) туманлари ҳокимлари маҳаллаларга бириктирилган масъуллар билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиб, натижаси бўйича вилоят Штабига ахборот киритсин.

Назорати **Р.Сулаймоновга** ва **Л.Хайруллаевга**.

22. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **бугундан бошлаб** ижтимоий реестрдаги 3 та тоифа бўйича (“давлат таъминотидаги оила”, “камбағал оила” ва “камбағаллик чегарасидаги оила”) оилаларга кўрсатилаётган ёрдамлар ҳамда камбағалликдан чиқарилиши бўйича ҳисобот жадвалларини юритсин.

Бунинг учун:

бандлик йўналишида (**Л.Хайруллаев**) - 1 298 та оилага доимий ишга жойлаштириш, 591 нафарини касб-ҳунарга ўқитиши, 752 нафарига ссуда ва субсидия ажратиш, 2 231 нафарига кредит маблағлари ажратиш;

таълим йўналишида (**Р.Хайитова, Л.Қаюмов**) - 2 169 нафарини боғчага жойлаштириш, 4 485 нафарини тўгаракка жалб этиш, 400 нафарига контракт тўловини тўлаб беришга кўмаклашиш;

соғлиқни сақлаш йўналишида (**Н.Сафоев**) - 122 нафар фуқарога даволаниш учун ордер бериш ҳамда 601 нафар фуқароларга даволаниш ва жарроҳлик амалиёти харажатларини қоплаш;

ижтимоий хизмат йўналишида (**Қ.Ражабов**) - 84 нафар болаларни қараб туриш кундузги парвариш хизматларига жалб қилиш, 2 466 нафар фуқароларга ногиронлик белгилаш (*ПОМ ва РТВ, реабилитация, ПТПК кўриги*), 11 281 нафар фуқароларга нафақа, моддий ёрдам, электр энергия ва газ исътемоли меъёридан ортиқча қисмини қоплаб бериш бўйича зарурий чораларни кўриб борсин.

23. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **бир ҳафта муддатда** барча туман, шаҳарларга бориб, камбағал оилалар билан ишлаш бўйича тизимли равишда ишларни ташкил қилиш масаласини ҳокимлар ва бириктирилган масъулларга яна бир бор тушунтирсин.

24. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Мамадиярова**), Навбаҳор тумани ҳокими (**Рашидов**), ҳоким биринчи ўринбосари (**Жумабоев**), туман прокурори (**Исоқов**), Ички ишлар бўлими (**Қурбонов**), Солиқ инспекцияси (**Бердиев**) Навбаҳор туманидаги **оғир маҳаллани** танлаб олиб, ушбу маҳаллани “ишсизлик ва камбағалликдан ҳоли маҳалла”га айлантириш чоратадбирларини кўрсин.

Амалга оширилаётган ишлар натижаси бўйича **ўн кун муддатда** ахборот берилсин.

25. Вилоят ҳокимлиги масъул ходими (**Сайфиддинов**) **уч кун муддатда** Конимех туманида жорий йил бошига нисбатан даромад солиғи тўловчилар сони камайиши сабабларини ўрганиб, натижаси бўйича ахборот берсин.

26. Вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**) тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда **беш кун муддатда** даромад солиғи тўловчилар камайган ҳудудлар бўйича аниқ сабабларини чуқур таҳлил қилиб, натижаси бўйича ҳисобот берсин.

Назорати **Р.Сулаймоновга**.

27. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), ҳудудий давлат Меҳнат инспекцияси (**Усмонов**), туман, шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **“osonish.uz”** платформасига бўш (вакант) иш ўринларини киритилишини таъминласин ҳамда амалга

оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан **бир ҳафта муддатда** вилоят ҳокимига маълумот киритсин.

28. Навоий шаҳар ҳокими (**Эргашев**) **бир ҳафта муддатда** “ИШ БЕРИНГ” телеграм канали орқали иш сўраб мурожаат қилган А.Мавлоновнинг бандлигини таъминласин.

29. Туман (шаҳар) ҳокимлари “маҳалла еттилиги” билан биргаликда хорижда ишлаб қайтган фуқароларнинг муаммоларини ўрганиб, уларни даромадли меҳнат билан таъминлаш чораларини кўрсин.

30. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2026 йил 11 июндаги (02-РА 1/1-3101-сон) олий таълим битирувчилари бандлигини таъминлаш тўғрисидаги топшириғи ижро учун қабул қилинсин.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**) **бир кун муддатда** олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида, битирувчиларнинг манзилли рўйхатини шакллантириб туман (шаҳар) ҳокимларига киритсин.

31. Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети (**Мардонов**), Навоий давлат университети (**Калонов**) вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**) билан биргаликда **бир кун муддатда** жорий йилда таълим муассасасини битириб бандлиги таъминланган битирувчилар бўйича солиқ органи маълумотлари билан солиштириб, тасдиқлаган ҳолда вилоят ҳокимлигига киритсин.

Назорати **Ж.Ходжаевга**.

32. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**) Мактабгача ва мактаб таълими боршқармаси (**Ҳайитова**), Касбий таълим агентлиги вилоят бошқармаси (**Қаландаров**), Солиқ бошқармаси (**Назаров**) билан биргаликда **бир кун муддатда** жорий йилда мактаб, профессионал таълим ҳамда олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича солиқ органлари билан солиштирилган таҳлилий маълумотни вилоят ҳокимига киритсин.

33. Қуйидагилар **бир ҳафта муддатда**:

Хатирчи тумани ҳокимлиги (**Адизов**) давлат таъминотидаги оилалар Миёнқол МФЙда истиқомат қилувчи **О.Ҳамидов**, Олтинсой МФЙдаги **Ў.Қурбонов** бўйича;

Нурота тумани ҳокимлиги (**Файзиев**) “Нуробод” маҳалласида яшовчи давлат таъминотидаги **Н.Нурманова** оилаларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳамда фуқароларнинг соғлиғи билан боғлиқ ҳолатини инобатга олган ҳолда, уларга қўшимча **тиббий ва моддий** ёрдам кўрсатиш чораларини кўрсин.

34. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси (**Ражабов**) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда тиббий жиҳатдан "**Қизил тоифадаги**"даги энг оғир "Кимёгар" (Навоий ш), "Хўжақулобод" (Хатирчи), "Ўртақўрғон" (Қизилтепа), Янгиобод (Навоий ш), Кумушкон (Кармана), Мустақиллик (Нурота), Кўҳна қўрғон (Кармана), Дамариқ (Хатирчи), Узилишкент (Қизилтепа) ва Нурфахр (Нурота) маҳаллаларида истиқомат қилувчи **746 нафар** тиббий ёрдамга мухтож шахслар учун биринчи навбатда тезкор тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда дори-дармон таъминоти бўйича ҳафталик мониторингни йўлга қўйсин;

тиббий ёрдамга мухтож деб топилган **5492 нафар** беморларнинг доимий режа асосида тиббий даволанишга ётқизилиши ва дори-дармон таъминотини амалга оширсин;

жарроҳлик амалиётига мухтожлиги аниқланган **126 нафар** беморларда режа асосида босқичма-босқич жарроҳлик амалиётлари ўтказилиб, натижалари бўйича **ҳар икки ҳафтада** вилоят ҳокимига ахборот киритиб борсин.

Назорати **Ж.Ходжаевга**.

35. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси (**Ражабов**) вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**) билан биргаликда ногиронлиги бўлган шахсларни тизимли ва манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида:

йил якунига қадар 400 нафар ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминлаш;

800 нафар фуқароларни реабилитация марказларида функционаллигини тиклаш;

ҳаракатланиш имконияти чекланган **120 нафар** ёлғиз кексаларга уйда қараб туриш (ижтимоий патронаж) хизмати ташкил этиш;

1371 нафар 16 ёшгача ногирон боласи бор оналар учун алоҳида мақсадли қўллаб-қувватлаш (*психологик ёрдам, моддий таъминот, махсус нафақа*) дастурлари ижроси юзасидан **ҳар ойда** вилоят ҳокимига ахборот киритиб бориш;

руҳий касалликлар диспансери ҳисобида турувчи **200 нафар** беморларни кундузги қараб туриш хизматига (*психиатр кузатуви, ижтимоий мослашув дастурлари*) жалб қилиш чораларини кўрсин.

36. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси (**Ражабов**), туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** камбағаллик ресстрида турган оилаларни қайта хатловдан ўтказиб, жарроҳлик амалиётига муҳтож болалар, онкологик ва онкогематологик касалликларга чалинганлар ҳамда жигар ва буйрак трансплантациясига муҳтож беморларнинг қўшимча рўйхатларини шакллантириш чораларини кўрсин ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

37. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**), “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМ (**Юлдашов**) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда таъмирлашга тушган вилоятдаги масжид таҳоратхоналарини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиб, таъмирлаш ишларини бошлаш чораларини кўрсин.

38. Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси (**Худайназаров**) ғалла ўрим мавсумида комбайнларнинг бетўхтов ишлашини назорат қилиб кунлик маълумотларни вилоят ҳокимлигига киритиб борилишини таъминласин.

39. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**), вилоят Ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**) туманларда етиштирилган ғаллани нес нобуд қилмасдан ўриб-йиғиб олиб, дон қабул қилиш масканларига етказилишини таъминлаш мақсадида, ғалла ўримини якунлаган туманлардаги ўрим комбайнларини, ўрим ишлари кечиктирилаётган туманларга олиб ўтиб, кунлик ғалла топшириш режасини 7-8 фоизга етказиш чораларини кўрсин.

40. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**), вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Ҳамроев**), туманлар ҳокимликлари:

уч кун муддатда туманларда ривожланишдан орқада қолган ғўза майдонларни аниқлаш;

бир ҳафта муддатда аниқланган ривожланишдан орқада қолган ғўза майдонларида талаб этиладиган агротехник тадбирларни амалга оширилишини таъминлаб, вилоят ҳокимига ахборот берсин.

41. Қуйи Зарафшон ирригация тизимлар хавза бошқармаси (**Садинов**), туман ҳокимлари билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда туманларда ғўзани азотли минерал ўғитлар билан озиқлантирилган майдонларни пешма-пеш шарбат усулида суғориш ишларини ташкил қилинишини;

фермер хўжаликларига сувни бетўхтов боришини таъминлаш мақсадида, дислокациялар ишлаб чиқиб, малакали ходимлардан бириктириб суғориш ишларини белгиланган муддатларда якунланишини таъминласин.

42. Вилоят Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (**Низамов**) туман ҳокимликлари ва фермер хўжаликлари билан биргаликда чигит экилган майдонларнинг бир гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариш ишларини ташкил қилиб, кунлик маълумотларни вилоят ҳокимлигига киритиб борилишини таъминласин.

43. Вилоят Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси (**Турсунов**) туман ҳокимлари билан биргаликда **уч кун муддатда** 2026 йил ҳосили учун парвариш қилинаётган пахта майдонларини озиқлантириш учун талаб этиладиган азотли минерал ўғитлар ҳамда касаллик ва зараркунандаларга қарши кимёвий воситалар захирасини тўлиқ яратиб вилоят ҳокимлигига маълумот киритсин.

44. Туман ҳокимлари:

бир кун муддатда ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинларни экиш графигини ишлаб чиқиб, тасдиқланган ҳолда вилоят ҳокимлигига тақдим этилишини;

беш кун муддатда такрорий майдонларга экиш учун талаб этиладиган 10,0 минг тонна картошка уруғлиги захираси яратилишини таъминласин.

Туман ҳокимлари ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинларнинг тўлиқ ва ҳаққоний экилишига шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

Назорати **Ж.Болиевга**.

45. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Ҳамроев**), Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси (**Худайназаров**), вилоят Фермерлар кенгаши (**Ярлакабов**) ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинларни экилишини мониторингини ташкил қилиб, кунлик маълумотларни вилоят ҳокимлигига тақдим этиб борсин.

46. Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари хавза бошқармаси (**Садинов**) такрорий экинлар экилган майдонларни суғориш учун ажратилган сув лимитларини кўриб чиқиб, сув етказиб бериш графигини тасдиқлаш учун вилоят ҳокимлигига киритсин.

47. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Жумаев**), вилоят Статистика бошқармаси (**Ташназаров**) **бир кун муддатда** 2026 йил 2-чорак учун белгиланган саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ҳамда қурилиш ишлари бўйича прогноз параметрларини туман (шаҳар) ҳокимларига ва тегишли масъулларга етказилишини таъминлаб, ижросини қатъий назоратга олсин.

48. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ниёзов, Ғаффоров, Ҳикматов, Мирзаев**) туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда жорий йилнинг 1-ярим йиллигида ҳудудларни ижтимоий-

иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича шахсан масъул эканлиги, белгиланган прогноз кўрсаткичлар ижросини таъминламаган соҳага масъул раҳбарларга нисбатан кескин хулоса қилиниши белгилаб қўйилсин.

Ҳисобот даврида корхоналар томонидан ишлаб чиқариш ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоботларни статистика органлари ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилишини таъминлаш бўйича Статистика бошқармаси билан бирга кунлик сўров тизимини ташкил қилсин.

49. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирган йирик корхоналар билан шахсан шуғулланиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича чоралар кўрсин.

50. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Рахмонов**), вилоят Статистика бошқармаси (**Ташназаров**) билан биргаликда:

ҳар бир саноат корхоналари билан индивидуал шуғулланиб, иккинчи чорак учун белгиланган (107,3 фоиз) прогноз кўрсаткичлари бажарилишини;

бириктирилган масъуллар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни статистика оргаларида ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилишини таъминлаш бўйича кунлик сўров тизимини ташкил қилиб, амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига ахборот киритиб борилишини таъминласин.

51. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**), туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш соҳасига белгиланган (115,2 фоиз) прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлашга шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

52. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**) вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси (**Атақулов**), “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМ (**Юлдашов**), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси (**Турдиев**) қурилиш пудрат ишларига белгиланган (120 фоиз) прогноз кўрсаткичлари бажарилишини ҳамда статистика органлари ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

53. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**), вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Ҳамроев**), вилоят Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (**Низамов**) туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда жорий йил 2-чорак қишлоқ хўжалиги учун белгиланган (104,7 фоиз) прогноз параметрлари бажарилишини таъминласин.

54. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) жорий йил 1-ярим йиллигида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича **ҳар ҳафта** бириктирилган масъуллар томонидан амалга оширган ишларни танқидий муҳокама қилиб борилишини таъминласин.

55. Вилоят солиқ бошқармаси (**Назаров**), Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг вилоят бошқармаси (**Мавлонов**), Марказий банк вилоят бош бошқармаси (**Шаропов**) бюджетга қўшимча манбааларни шакллантириш ҳамда хуфёна иқтисодиёт (яширин иқтисодиёт)ни қисқартириш бўйича ўтказиладиган йиғилишга маълумот тайёрласин.

Назорати **Б.Сайфиддиновга**.

56. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда **уч кун муддатда** мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириладиган объектларнинг манзилли рўйхатини шакллантириб, масъулларни бириктириб чиқсин.

57. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов), Ахборот-таҳлил гуруҳи (Бобомуродов) ва Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов) зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди



Ф. Эшбоев